



Farqona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

<http://farhaqiqat.uz/>t.me/farhaqiqati

ФАРҒОНАДА БАЙРАМ ТАНТАНАСИ

Бугун она Ватанимиз бўйлаб байрам шукуҳи кезмоқда. Бундан 32 йил муқаддам кўп миллатли халқимизнинг, озодлик, эрк учун курашган ота-боболаримизнинг орзулари ушалиб, Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритди. Бу тарихий воқеа давлатимиз ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётида бутунлай янги даврни бошлаб берди.

Қисқа давр ичида жаннатмакон юртимиз дунёдаги ривожланиб бораётган давлатлардан бирига айланди. Барча соҳаларда қўлга киритаётган ютуқлар, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати тобора юксалиб, юртимиз қиёфаси, шаҳар ва қишлоқларимиз янада обод масканга айланиб бораётгани айнан мустақиллик шарофатидир.

Ҳар йили Мустақиллик байрамини кўтаринки кайфиятда, катта шодиёналар билан нишонлаш анъанага айланиб қолган. Бу йил ҳам вилоятимизда энг улуғ, энг азиз айём тантанаси Ислон Каримов номидаги вилоят театр ва концерт саройининг очик майдонида бўлиб ўтди.

“Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” шиори остидаги тантанали тадбир аввалида Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Респуб-

ликаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллик байрами билан вилоят аҳлини муборакбод этди. Вилоятимиз раҳбари кейинги йилларда мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар ҳақида гапириб, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида барча соҳаларда амалга оширилаётган туб ислохотлар ва уларнинг самарали натижаларига тўхталиб ўтди. Тарихий ўзгаришларда, мамлакат иқтисодий тараққиётида вилоят аҳлининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини таъкидлади. Вилоятимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларини, иқтисодий-ижтимоий соҳаларда эришилаётган ютуқ-юксалишларни алоҳида ифтихор билан қайд этди.

Хайрулло Бозоров жорий йилнинг

ўзида вилоят маҳаллалари инфратузилмасини ривожлантириш учун барча дастурлар доирасида 2,9 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилгани, бунинг натижасида 1529 км. ичимлик суви, 774 км. электр, қарийб 14 км. табиий газ тармоқлари тортилгани, шунингдек, 2352 км. ички йўллар асфальтлангани, бу каби аҳоли турмуши фаровонлигини таъминлашга қаратилган дастурлар ижросидан фарғоналиклар мамнун эканликларини айтиб ўтди. Зеро, юртошларимиз бугунги кун давлат сиёсатидан розилик туйғуларини тилларида, дилларида изҳор этишмоқда.

Байрам арафасида мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, барча соҳаларда ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги

самарали меҳнатлари, эришган ютуқлари эвазига давлатимизнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан тақдирланганлар сафида бир гуруҳ фарғоналикларнинг ҳам борлиги эътироф этилди. Бу хушxabарни тадбир иштирокчилари олқишлар билан қарши олишди.

Байрам тантанасининг бадий қисмида вилоят ва республика санъат усталари, ёш хонандалар, бадий жамоалар, ҳарбий хизматчилар ижросида озод диёрни, мустақиллик неъматини, беғубор болалик, тинчлик ва бағрикенгликни мадҳ этган куй-қўшиқлар янгради, театрлаштирилган томшалар намойиш этилди.

Фарғона осмони узра товланган мушаклар байрам иштирокчилари кайфиятини янада кўтарди.

Ўз мухбиримиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
ЎТТИЗ ИККИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН,
ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ,
САНЪАТ СОҒАЛАРИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ
МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Халқимизнинг илмий-интеллектуал салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият ва санъат соҳалари ҳамда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш борасида эришаётган юксак натижалари, юртимиз тараққиётини таъминлаш, жамиятда ўзаро тотувлик, ижтимоий-маънавий барқарорликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси ҳамда жамоат ишларидаги фаоллиги учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Дўстлик» ордени билан

Маннапов Султанбек – Фарғона давлат университетининг мусиқа таълими кафедраси мудири, профессор, Фарғона вилояти.

Мирзаев Акмалжон Бурханович – Фарғона вилояти мусиқали драма театри актёри.

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Таджибаева Тўлқиной Обиджонова – Олтиариқ туманидаги 19-мактабгача таълим ташкилоти услубчиси, Фарғона вилояти.

II даражали «Саломатлик» ордени билан

Юнусов Абдулмажит Абдулахатович – Бағдод тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими шифокори, Фарғона вилояти.

«Шухрат» медали билан

Кудрявцева Надежда Анваровна – Фарғона вилояти рус драма театри актрисаси.

Мамасадиков Нурилло Шукруллаевич – Фарғона шаҳридаги «Meridian Diagnostic Hospital» тиббиёт маркази раҳбари, Фарғона вилояти.

Охунов Мансуржон Носирович – Учкўприк туманидаги «Ҳангома» ҳаваскорлик театри режиссёри, бадий сўз устаси, Фарғона вилояти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ.

(Фармоннинг Фарғона вилоятига тегишли қисми олинди).

ЮКСАК МУКОФОТЛАР МУБОРАК БЎЛСИН!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
ЎТТИЗ ИККИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН
ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР
ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ
ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, барча соҳаларда ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш, Янги Ўзбекистонни барпо этиш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини юксалтириш, инсон кадрини улуғлаш каби эзгу мақсадлар йўлидаги катта хизматлари, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, илғор инновацион технологияларни жорий этиш, ҳудудлар инфратузилмасини жадал ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси, жамиятда маънавий барқарорликни сақлаш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишларидаги ибратли фаолияти учун қуйидагилар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Ходжаева Мавлудахон Исламовна – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси.

«Дўстлик» ордени билан

Абдурахманов Турсунходжа – «Нуроний» жамғармасининг Риштон тумани бўлими раиси, Фарғона вилояти.

Алимова Санобар Муқимовна – Қўқон шаҳридаги «Артизонбўйи» маҳалла фуқаролар йиғини отинойиси, Фарғона вилояти.

Муминов Нумонжон Шодиевич – Фарғона вилояти нуронийлар жамоатчилик кенгаши фаоли.

Раҳманов Закиржон – «Нуроний» жамғармасининг Фарғона вилояти бўлими раиси.

Ҳамидов Одил Абидович – Тошлоқ туманидаги «Обиджон» туячилик фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти.

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Раҳимова Юлдизхан Қадировна – Ўзбекистон «Қизил Ярим ой» жамиятининг Фарғона вилояти ташкилоти раиси.

«Содиқ хизматлари учун» медали билан

Дехқонова Мўминахон Ахмадовна – Бешариқ туманидаги «Бахмал» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Фарғона вилояти.

«Жасорат» медали билан

Абиджонова Лолахон Раҳимжоневна – Қувасой шаҳридаги декоратив буюмлар ясовчи хунарманд, Фарғона вилояти.

«Шухрат» медали билан
(100 ёшдан ошганлар)

Маликов Турғун – Ўзбекистон тумани, Фарғона вилояти.

«Шухрат» медали билан

Ботирова Мунираҳон Умаралиевна – Қўқон шаҳридаги «Зилол» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Фарғона вилояти.

Джалилов Баҳромжон Одилжоневич – «Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси – IT Park» масъулияти чекланган жамиятининг Фарғона вилояти филиали бошлиғи.

Камчиева Чарос Махаммадсодиқовна – Фарғона шаҳридаги «Safort konsensus kotminal» профессионал бошқарув компанияси раҳбари, Фарғона вилояти.

Ҳашимова Фарида Ганиевна – Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг Қува тумани бўлими бошлиғи, Фарғона вилояти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ.

(Фармоннинг Фарғона вилоятига тегишли қисми олинди).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ИККИ ЙИЛЛИГИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР
ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ
ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ
ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини оширишдаги алоҳида хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, қонун устуворлиги ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги шарафли бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани, соҳада юқори малакали кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш йўлидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар орден ва медаллар билан мукофотлансин:

"Жасорат" медали билан

Бобоназаров Музаффар Комилжоневич – Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси бўлим бошлиғи.

"Содиқ хизматлари учун" медали билан

Мирзаев Шавкатжон Аҳадалиевич – Фарғона шаҳар бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси профилактика катта инспектори.

Бердиева Ойсанамхон Кодиржон қизи – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм мутахассис ўқичиси.

"Шухрат" медали билан

Маматқулов Ойбек Абдуллаевич – Фарғона вилояти Божхона бошқармаси катта тезкор вакили.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ.

(Фармоннинг Фарғона вилоятига тегишли қисми олинди).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
ЎТТИЗ ИККИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН
ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН СПОРТЧИ ВА
МУРАББИЙЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ
ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва кенг оммалаштириш, юртимизнинг халқаро майдондаги шон-шухратини юксалтиришга қўшган катта ҳиссаси, спорт соҳасига қаратилаётган эътибор ва яратилган шароитлардан самарали фойдаланган ҳолда, ўзининг азму шижоати ва юксак маҳорати билан нуфузли мусобақаларда улкан натижаларга эришиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётгани, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларимизни она юртга муҳаббат ва садоқат, миллий, умумбашарий қадриятлар руҳида етук ва баркамол этиб тарбиялаш борасидаги алоҳида хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»
фахрий унвони билан

Мўйдинхўжаев Асадхўжа Зоҳидхўжа ўғли – Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси.

«Дўстлик» ордени билан

Савинова Ирина Александровна – Фарғона вилояти яккакураш спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактабининг камондан отиш бўйича мураббийси.

«Келажак бунёдкори» медали билан

Мулложонов Лазизбек Ҳасанжон ўғли – Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси.

«Шухрат» медали билан

Тўйчиев Алишер Курбанович – Фарғона вилояти яккакураш спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактабининг бокс бўйича мураббийси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ.
Тошкент шаҳри,
2023 йил 25 август.

(Фармоннинг Фарғона вилоятига тегишли қисми олинди).

Мустақиллик объеклари

УНИВЕРСИТЕТ ТАЛАБАЛАРИ ЯНГИ ТУРАР ЖОЙЛАРГА ЭГА БЎЛДИ

Фарғона давлат университети талабаларини турар жой билан қамраб олиш даражаси бундан уч йил аввал 10 фоизни ташкил қилар, атиги 2051 ўрин мавжуд эди. Бу йил 3657 тага етди, яъни кўрсаткич 30 фоизни ташкил қилди.

Аввало қайд этиш жоизки, олий таълим муассасаси талабаларининг турар жойга эҳтиёжи юқори. Босқичма-босқич қамровни ошириб бориш мақсадида "йўл харита"си ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ, 2022-2025 йилларда 2800 ўринли ётоқхоналар қуриш режалаштирилган. Дастлабки қадам сифатида шу йилнинг ўзида 3 та бино қад ростлади. Бу билан тасарруфдаги талабалар турар жойлари сони нафақат ошди, балки замонавий қиёфа олди. Буни яқинда университет ўйингоҳи ҳудудидаги бўш майдонда қуриб битказилган 840 ўринли 2 та 7 қаватли ётоқхона мисолида ҳам кўриш мумкин.

Муҳташам ва кўркем бинолар "Марғилон бинокор таъмир-қурилиш" МЧЖ томонидан давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида бунёд этилди.

– Қурилиш ишлари ўтган йилнинг октябрь ойида бошланган эди, – дейди масъулияти чекланган жамият раҳбари Муҳсинжон Исақов. – Қурилиш лойиҳасининг умумий қиймати 59 миллиард сўмни ташкил этарди. Бунинг учун бюджет маблағлари ҳисобидан 24,1 миллиард сўм субсидия ажратилди, 34,9 миллиард сўми ўз ҳисобимиздан қопланди.

Жамоатчиликни ва оммавий ахборот воситалари ходимларини талабаларнинг янги турар жойлари билан таништириш мақсадида ўтказилган пресс-турда университетнинг ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори Зокиржон Раҳимов бу ерда талабалар учун яратилган ижтимоий шароитлар, қулайликлар, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун ташкил этилган марказлар билан таништириб ўтди.

сислар ёрдамида инновацион ғояларини рўёбга чиқариш, стартап лойиҳаларни ишлаб чиқиш, бу билан қўшимча даромад топиш, семинар-тренинглар ўтказиш имкониятлари яратилган, – дейди марказ масъул ходими Сарвиноз Мамажонова.



Талабалар турар жойини электр энергияси билан таъминлаш қуёш панеллари орқали амалга оширилади. Ҳар бир хона тўрт нафар талабага мўлжалланган бўлиб, замонавий юмшоқ ва қаттиқ мебеллар, ётоқ кўрпа-жилдлари билан жиҳозланган. Умумий ошхонада иссиқ овқатлар электр плиталарида тайёрланади, алоҳида овқатланиш жойи, совуқ ва иссиқ сув, ювиниш хоналари, душ мавжуд. Маънавият хонасида дам олиш, китоб, газета-журналларни мутолаа қилиш мумкин.

Талабалар турар жойининг биринчи қаватида 5000 дан зиёд китоб фондига эга бўлган ахборот-ресурс маркази, "Заковат", коворкинг, тарихий музей, спорт-соғломлаштириш заллари, талабалар театр студияси, кир ювиш ва қуриштириш хоналари фаолият юритади.

– Коворкинг марказида талабалар назарий билимларини беvosита амалиёт билан мустаҳкамлашлари мумкин. Малакали мутахас-

Яна бир талабалар турар жойи Аҳмад ал-Фарғоний кўчасида жойлашган 4-ётоқхона ҳудудидаги бўш майдонда бунёд этилди. Қурилиш ва жиҳозлар ишларига 14 миллиард 55 миллион сўм сарфланди. Турар жой 360 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ердаги шароитлар ҳам бугунги замон талабаларига тўлиқ жавоб беради.

Ҳозирда талабаларидан келиб тушган аризалар асосида уларни ётоқларга жойлаштириш университетда ташкил этилган комиссия томонидан кўриб чиқилмоқда. Чин етимлар, маълум тоифадаги ёшлар, "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" ва шу каби ижтимоий ҳимояга муҳтож талабалар учун имтиёзлар яратилган.

Рустам ОРИПОВ.

КАСБИГА САДОҚАТЛИ САДОҚАТХОН



Бири-бирдан чиройли, бежирим миллий қўғирчоқларни тайёрлаб, болажонлар қалбига бир олам қувонч олиб кираётган тадбиркор Садоқатхон Мирзаевага бугун кўпчилик ҳавас билан боқмоқда. У Президент фармони билан мамлакатимизда тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, республикамизнинг иқтисодий қудрати ва экспорт салоҳиятини оширишга катта ҳисса қўшиб келаётгани учун "Шухрат" медали билан тақдирланди.


Ҳа, меҳнатқаш, ташаббускор тадбиркор, халқимизнинг қадимий касб-ҳунар анъаналарини давом эттириб келаётган, ишбилармонлик салоҳияти юксак қизимиз барчанинг эътиборида. Садоқатхон Фарғона туманининг сўлим Водил қишлоғида, шифокорлар оиласида камолга етди. Ёшлигидан билим олишга қизиқиши, ўзига хос қобилияти билан тенгдошларидан ажралиб турарди. Ўрта мактабда яхши ўқиди, олий таълим муассасасини муваффақиятли тамомлади. Ҳозирда у 20-ўрта таълим мактабининг технология фани ўқитувчиси, Фарғона Давлат университети магистранти, Фарғона тумани "Хунарманд" уюшмаси раиси, «Art House Sadosh» МЧЖ нодавлат ўқув муассасаси раҳбари.


Ёш тадбиркор 2016 йилдан бунёд болалар учун экологик тоза, миллий услубдаги қўғирчоқ ва ўйинчоқлар тайёрлаб келмоқда. Унинг маҳсулотлари сифатли, хирдоргир. Ички бозордан ташқари, мактабгача таълим ташкилотларини турли ўйинчоқлар билан таъминлаб келмоқда. Қирғизистон, Тожикистон, Япония каби давлатлардан буюртма олган. "Ikatmarketing.com" ҳамда «Ebay etsu» халқаро онлайн платформалари орқали бешта давлатларга ҳам қўғирчоқ ва ўйинчоқлар сотмоқда.

– Жорий йилнинг февраль ойида Ҳиндистоннинг Лакхнау шаҳрида "Сандакада Махиндра" номи миллий хунармандчилик кўргазмаси бўлиб ўтди, унда мен ҳам иштирок этдим. Тўғриси, маҳсулотларимизга бўлган эътибордан қувондим. Улар ҳинд халқида катта қизиқиш уйғотди, – дейди Садоқат Мирзаева. – Шу давлатнинг таниқли дизайнери Мадху Жаин билан танишиб қолдим. У кўплаб актёрлар ва юқори мартабали инсонлар учун либослар яратади. Мулоқот чоғида аъло бахмалдан тикилган миллий сумкаларга катта миқдорда буюртма олдим. Энди бизнинг брендимиз остидаги маҳсулотлар Ҳиндистоннинг машҳур инсонлари қўлида ҳам бўлади.

Садоқатхон ўз меҳнати билан даромад топиш истагида бўлган фуқаролар, айниқса, хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш ва бу орқали бандлигини таъминлаш учун уларга амалий ёрдам кўрсатишдан чарчамайди. Ҳозиргача 100 дан зиёд аёлларни иш билан таъминлади, яна республикамизнинг барча вилоятларида 100 га яқин шогирдлари бор. У тадбиркорлик ортидан туман, вилоят, республика миқёсидаги кўрик-танловларда, халқаро кўргазма ва фестивалларда фаол қатнашиб, қатор ютуқларга эришди. 2019 йилда «Ташаббус» кўрик-танловининг туман босқичи, «Йил аёли» танловининг «Энг яхши тадбиркор аёли» номинацияси ғолиби бўлди. Садоқатхон Мирзаева яқин вақтда янги лойиҳаларни амалга ошириш ниятида. Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришни мақсад қилган.

Д. СОБИРОВ.





МЕН БИЛГАН, МЕН КЎРГАН ОЗОДЛИК

Ўттиз икки йил камми ё кўп?! Дўппимизнинг бир айланишига тенг муддат десам, балки янглишмасман. Лекин бир навқирон йигит-қизнинг қирчиллама ёшига менгзасам, хато бўлмас. Не бўлган-даям тарих саҳифасида арзимас рақам бўлса-да, бошқалар қатори мен учун ҳам ғоят қадрли ва азиздир.

Зеро, озодлик тўғриси Ўзбекистон Қаҳрамони, ҳассос адабиёт-шунос олим Иброҳим Ғафуров таъбири билан айтганда, "Одамни енгилмас қилади"...

Салкам қирқ беш йилдан бери гоҳи оқ, гоҳи қора рангларда ёзиб-чизиб келаётганим "Кўнгилдан кўчирмалар" деб номланган дафтаримга 1991 йилдан бери битилаётган айрим хотираларимдан бирини "Фарғона ҳақиқати" ўқувчиларига илингим келди.

...Тошкентдаги Чорсу бозорида бир асрдан кўпроқ яшаб умргузаронлик қилган раҳматли Абдулазиз ҳожи домланинг бундан 25 йил бурун айтган ушбу сўзлари юрагимга бир умр муҳрланиб қолди. Нега десангиз, ул зотни танимаган, билмаган киши йўқ эди Туркистон заминиди. Телевидениеда ишлаб юрган маҳалларим уч-тўрт бор зиёрат қилмоқ бахтига муряссар бўлганман.

Эҳ, болам-а, Ватан қадрини ватангадодан, мусофирдан сўранг, айтади. Айтган-даям йиғлаб, сиқтаб, юраги куйиб сўзлайди.

Мен ҳам бир замонлар ватандан жудо бўлганман. Кам эмас, қирқ йил ҳижратда яшаганман. Ушанда, сизга ёлғон, менга чин, ҳижратда бир куннинг ўтиши азоб. Керак бўлса лаҳзалар ўтмаётгандек туюлаверади. Бизнинг ҳисобимиз осмонда чиқиб ботаётган ой билан ўлчанарди. Кун ботади, тонг отади, тонг отади, кун ботади. Мен нега бу гапларни сизга алоҳида урғу бериб сўйлаяпман. Биласизми? Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, қирқ йил кун санадим, қирқ йил тун санадим. Умиди ўлмас Оллоҳ қўллар экан одамни.

...1928 йилда Ватандан чиқиб кетганмиз. Бугун эртақ деб ўйлайсизлар, 1933 йилгача, яъни шўролар ўзини ўнглаб олгунича тинчроқ сиёсат юргизди. Кейин бошланди қатағон. Сал кўкрагига шамол теккан оиланинг эркагу аёлини зиндонга тикди, уй-жойи, мол-ҳолини хатлов қилиб тортиб ола бошлади. Бу, коммунист деганида дин бўлмас экан-да. Даҳрий, қип-қизил. Озгина диний саводи борларни, савдогарни баравар қирғин, қувғин қила бошлади. Замон нотинч бўлса ҳўлу қуруқ баравар ёниб қетар экан. Камбағал дегани бойларга қараганда ҳаммаёқда кўп эди-да. Икки ўртада қандай бўлмасин,

низо, ғавғо чиқариш керак эди. Бойми, диндорми, тужжорми, барибир, уй-жойи, ерларини камбағалларга бўлиб бера бошлади. Энди кўринг томошани.

Мен ўшанда диний мактабда ўқирдим. Мударрисларим билан Хитой тарафга жўнадик. У маҳаллари тўп-тўп бўлиб кетилмасди,

лаънати шўролар. Сизлар учун бепул завод қураимиз, фабрика қуриб берамиз, олтин берамиз деб чув туширди. Иблис Сталин замонида мусофир-қочоқлар масаласида Хитой ҳукумати билан турли можаролар бўлиб турди. Улардан биттаси, биз – мусофирларнинг фуқаролик олишимизни талаб қила бошлади. Аксариятимизнинг шўролардан оғзимиз куйганди. Кўнмадик. Охири икки ўртада низо чиқди. Шармандали томошани энди кўрсангиз эди. Хитойдан қочиш бошланди. Минг-минглаб одамлар дуч келган тарафга бош олиб кета бошладди. Чегаралар очик эди негадир ўшанда. Очиғи, хитойликлар бизларни кетишга мажбурламаган

бўлса-да, барибир қўрқув, хавотирда яшаётгандик. Чунки коммунистлар исталган пайтда ҳар қандай разилликдан қайтмасди. У тарафда бола-чақаси кўплар, юки оғир оилалар қолиб кетди. Биз ортга қайтдик, лекин кўпчилик тузоққа тушди – қамалди, отилди. Оллоҳнинг марҳамати туфайли мен тирик қолдим...

Минг шукрки, Ватанда яшаш насиб этди. 1991 йилдан кейин мен учун, оилам учун янги бир ҲАЁТ бошланди! Ватанимиз мустақил бўлди, деган уш хабарни эшитиб кўзларим ёшга тўлган. Негаки, бизнинг қанчадан қанча аждодларимиз, ота-боболаримиз Ўзбекистонимиз озодлигини, истиклолини орзу қилиб, армон билан дунёдан ўтиб кетди. Хайриятки, шундай дориламон кунларни кўрмоқ, шундай саодатли даврда яшамоқ бахти насиб этди...

"Кўнгилдан кўчирмалар"имда бундай маҳзун, дилгир, ёруғ хотиралар бир дунё. Уларнинг ҳар бирида тириклик бор, ҳаёт бор, азизлар! Мустақиллигимизнинг улғу ва азиз айёми барчангизга муборак бўлсин!

Норқобил ЖАЛИЛ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Эътироф



ОНАХОН КЎКСИДА "ДЎСТЛИК" ОРДЕНИ

Куни кеча кўҳна ва навқирон Қўқон аҳли суюнчли хабар билан тонгни қарши олди. Шаҳарнинг жонқуяр ва фидойи онахони Санобархон Олимова Президент фармонида кўра "Дўстлик" ордени билан тақдирланди.

Санобархон ҳожи она узоқ йиллар давомида Учкўприк туманидаги 5, сўнгра Қўқон шаҳридаги 3-умумий ўрта таълим мактабларида бошланғич таълим ўқитувчиси сифатида фаолият олиб борди. Ўзининг самимийлиги ва меҳри туфайли минглаб ўқувчилар қалбида билимга, Ватанга, ота-онага, дўстга бўлган муҳаббатни уйғота олди. Бугун устоз қўлида тарбия топган, илм ўрганган йигит-қизлар эл-юрт манфаати йўлида меҳнат қилишмоқда, кўпчилиги устозлари касбини давом эттирмоқда.

Қатор Фахрий ёриқлар эгаси, Халқ маорифи аълоҳиси Санобархон Олимова нафақага чиққач, унга "Артизонбўйи" маҳалла фуқаролар йиғини отиноийси вазифаси топширилди. Ҳожи она оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, миллий ва диний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Шунингдек, хайр-эҳсон ишларига ҳам бош-қош бўлиб, шаҳардаги эҳтиёжманд оилалар, боқувчисини йўқотганларга ёрдам қўлини чўзади, бу борада мутасадди ташкилотларни ҳамкорликка чорлайди.

Санобархон ҳожи она ҳаёт йўлларида дуч келган воқеликлар, турфа инсонлар тақдири, ҳар юмушнинг оқибати, яхшилик ва эзгуликнинг ғолиблиги борасида тугал фикрини "Тафаккур гулшанидан терилган гуллар" номли китобида баён этади. Қаҳрамонимиз турмуш ўртоғи билан тўрт фарзандни эл қорига камарбаста этиб тарбиялади.

Санобархон ҳожи она Олимованинг фидойи хизматлари юксак мукофотга лойиқ кўрилди. Ушбу эътироф келгусида отиноийларимизнинг юртимиз тинчлиги ва равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлидаги хайрли ишларида янада шижоат билан фаолият олиб боришларига туртки бўлади, албатта.

Маҳиёра БОЙБОБОВА.

Экошаҳар:

ТУРАР ЖОЙ МАСКАНЛАРИ АҲОЛИ БИЛАН ГАВЖУМЛАШМОҚДА

Айни кунларда вилоятимиз улкан қурилиш майдонига айланган. Ўзгаришларни кун эмас, дақиқа сайин ҳис этмоқдамиз. Шаҳар ва қишлоқларда турар жойлар қад ростламоқда, ҳудудлар ободонлаштириляпти, кўчалар нурафшон, йўллар равон бўлмоқда.

Бундан икки йил аввал қишда лой, ёзда қумлоқ бўлган дашт тамоман ўзгача қиёфа касб этиб, унинг ўрнида Экошаҳар барпо этилаётгани фарғоналиклар учун тарихий воқеага айланди.

Бугун Фарғона туманидаги "Илғор" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига ташриф буюрган кишининг 300 гектар майдонда жадал суръатларда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларидан кўзи қувнайди, кўнгли ажиб шукроналик туйғусидан жумбистан келади.

Дарҳақиқат, шу кунларда ҳудудда қурилиш ишларининг дастлабки босқичи ниҳояланмоқда. Қуриб битказилган 70 дан зиёд кўп қаватли турар жой масканларида сўнги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, 2 та ҳар бири 990 ўринли мактаблар, 3 та ҳар бири 420 ўринли давлат мактабгача таълим муассасалари болажонларни ўз бағрига олишга шай.

– 3-4 йилда Экошаҳар қурилишини якунламоқчимиз. Ижтимоий соҳа объектлари давлат бюджети ҳисобидан, турар жой масканлари 50 га яқин қурувчи ташкилотлар томонидан бунёд этилмоқда. Қолаверса, уларга мутаносиб тарзда муҳандислик-транспорт коммуникацияси, ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари қуриляпти, – дейди вилоят қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Лазизбек Позилов.

"Янги Ўзбекистон" массивида Корея Республикаси тажрибаси асосида ишлаб чиқилган лойиҳага мувофиқ 7, 9, 16 қаватли 298 та уй қад ростлаши мўлжалланмоқда. Ҳукумат томонидан белгиланган чора-тадбирларга кўра, ҳудудда барча инфратузилма объектлари, 11 километр узунликдаги канал қурилади. Хиёбонлар, дам олиш масканлари, 4000 ўринли амфитеатр бунёд этилади. 98 гектарли ҳудудда эколандшафт, 70 гектарда "Янги Ўзбекистон" боғи, болалар учун майдончалар барпо бўлади. Буларнинг бари шаҳарчага гўзаллик билан бирга, мусаффолик ҳам бағиш-



лайди. Бунёдкорлик ишларини амалга оширишда муҳандислар, хунармандлар, боғбонлар ва турли соҳа вакиллари иштирок этмоқда.

Экошаҳар қурилиш штаби бошлиғи Козимжон Анваровнинг таъкидлашича, ҳудуд том маънода замонавий қиёфа касб этади. Ҳозирга қадар у ердаги "Янги Ўзбекистон" боғининг қарийб 40 гектар майдонига манзарали дарактлар экилган. Шу билан бирга, турли манзарали дарактлар экилиб, Фарғонанинг "яшил шаҳар" мақоми қайта тикланади. Унинг кириш қисмида миллий асосда қад ростлайдиган арка, кўлдаги фавворалар, анвойи гуллар ҳар қандай одамда яхши таассурот уйғотиши табиий.

– Бу ерда 65 мингдан зиёд аҳолига мўлжалланган кўп қаватли уйларнинг дастлабкилари фойдаланишга топширилди, – дейди вилоят ҳокими ўринбосари Ҳожиқўзижон Исақов. – Айтиш жоизки, ҳозир Экошаҳарда ҳаёт қайнамоқда. Ҳудудга алоҳида марказий иситиш қозонини ўрнатиш ишлари якунига етай деб қолди. Ривожланган давлатларда бўлгани каби, бу ерда коммунал хизматларнинг барчаси электр энергиясига боғланади. Ҳозирда тоза ичимлик суви тармоғини тортиш ишлари ҳам ниҳояланиб, ҳудудга 14 километрдан ичимлик суви олиб келинди.

Экошаҳарнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, у ердаги экологик соф технологияларга асосланган транспорт қатнови, кўп қисмли йўлак, поликлиника, савдо марказлари, спорт мажмуаси, саноат зонаси – буларнинг бари бугунги Фарғонанинг янгича кўринишини ифода этади.

Муаттар МАҲМУДОВА.



Олий таълимда ислоҳот

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 32 йиллиги арафасида Фарғона шаҳрида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Уммон Султонлигининг "Atyab International Service" компанияси иштирокида, Жаҳон банкининг «Фарғона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида 19,5 миллион АҚШ доллари миқдордаги маблағлари ҳисобидан Озиқ-овқат технологияси ва муҳандислиги халқаро институти ташкил этилди.

Олийгоҳда халқаро тенденцияларни акс эттиришга мослашган «илмга асосланган, амалиёт ва бизнесга йўналтирилган таълим» тамойили асосида халқаро тан олинган сифат стандартларини жорий эта оладиган юқори малакали кадрлар, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида кичик ва ўрта бизнес учун рақобатбардош технологиялар, жараёнлар ва тармоқларни ривожлантирадиган мукамал технологлар, етук кадрлар ва бизнес раҳбарлари тайёрланади.

Соҳада ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологиялари, бозор тенденциялари, хавфсизлик ва сифат стандартлари (кодекси), тармоқни бошқариш усуллари ва маҳсулот бўйича маълумотлар каби йўналишларда таълимни ривожлантириш кўзда тутилган.

ишлаш линиялари бўйича 12 та инкубация марказлари ташкил этилади ва бу орқали талабаларнинг ҳақ тўланадиган малакавий амалиётларини ташкил этиш ҳамда инкубация марказларида корхоналарнинг саноат намуналаридан лаборатория таҳлилларини амалга ошириш орқали бюджетдан ташқари маблағлар топиш имконияти яратилади. Ушбу марказларни ташкил этиш ва институт инфратузилмасини такомиллаштиришга йўналтириш бўйича Жаҳон банкдан 8 миллион АҚШ доллари ва марказларни, ўқув-тажриба участкаларини ташкил этиш учун институтга яқин ҳудуддан 5 гектар ер майдони ажратилади.

Шунингдек, институт ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Агробизнес субъектлари салоҳиятини ошириш маркази — Capacity building center ташкил этилади.

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ҳузуридаги Қўқон қишлоқ хўжалиги ва технологиялар техникуми негизда Озиқ-овқат технологияси ва муҳандислиги халқаро институти ҳузуридаги Қўқон озиқ-овқат саноати ва хизмат кўрсатиш техникуми ташкил этилди. Техникуми муваффақиятли тамомлаган битирувчилар институтга соҳага мос бўлган бакалаврият таълим

ОЗИҚ-ОВҚАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА МУҲАНДИСЛИГИ ХАЛҚАРО ИНСТИТУТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



Шунингдек, мева-сабзавот, сут, гўшт, нон ва қандолат маҳсулотларини, мойли уруғлар, асал ва зирavorларни қайта ишлаш ҳамда дон маҳсулотлари бўйича замонавий бизнес инкубация хизматларини кўрсатиш мақсад қилинган.

Ўқув жараёнига малакали чет эллик ҳамда хорижий таълим муассасаларида таҳсил олган, малакасини оширган халқаро тажрибага эга маҳаллий мутахассислар жалб қилинади.

Олийгоҳга бу йил бакалавриятнинг кундузги таълим шакли ва магистратура мутахассисликлари бўйича 97 та давлат гранти ва 430 та тўлов-контракт бўйича талабалар қабул қилинади.

Бундан ташқари, Уммон Султонлигининг "Atyab International services" компанияси билан ҳамкорликда институт ҳузурида халқаро сифат ва назорат стандартларига жавоб берадиган мева-сабзавот, сут, гўшт, нон ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта

йўналишлари бўйича кириш имтиҳонларисиз, якка тартибдаги суҳбат орқали иккинчи курсга тўлов-контракт асосида қабул қилинади.

Олийгоҳда ўқитиш давлат таълим стандартларини ҳисобга олган ҳолда инглиз, рус ва ўзбек тилларида ҳамда кундузги, сиртки, масофавий таълим шаклларида амалга оширилади. 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб бакалаврият таълим йўналишлари бўйича дуал таълим тизими жорий қилинади.

2024 йил 1 январдан бошлаб институт илмий салоҳиятини ошириш учун озиқ-овқат саноати ва уни қайта ишлаш бўйича илмий педагогик кадрлар (таянч докторантура (PhD) ва докторантура (DSc) тайёрлаш тизими йўлга қўйилиши белгиланган.

Рустам ТОЖИЕВ,
институт ректори, техника фанлари доктори (DSc).

Тиббий туризм:

ГЎШАЛАР, СИҲАТГОҲЛАР
ҲАМ ДАВОЛАЙДИ

Фарғона водийси ўзига хос табиати ва иқлими туфайли Марказий Осиёнинг асосий соғломлаштириш масканларидан бири сифатида машҳур. Хусусан, вилоятнинг барча ҳудудларида сўлим дам олиш масканлари, санаторий ва сиҳатгоҳлар бор. Уларда замонавий лаборатория, консултатив текширувлар ва диагностика, стандарт муолажалар ва мураккаб жарроҳлик операцияларини ўтказишга бўлган кўп тармоқли хизматлар ўрин олган.

Биргина жорий йилнинг январь – июнь ойларида 2000 нафарга яқин чет эл фуқаролари даволашни мақсадида Фарғона вилоятига келган. Сайёҳларнинг 72 фоизи қирғизистонликлардир.


Агар вилоятнинг тиббий туризм йўналишидаги салоҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак, биргина Фарғона туманида ўнлаб санаторий-курорт масканлари, сўлим оромгоҳлар ва дам олиш жойлари мавжуд. Жумладан, Чимён санаторийларининг сероводородли минерал суви юрак ва қон томир, асаб, ошқозон-ичак тизимлари, тери, урологик, ҳаракат ва таянч

аъзолари касалликлари каби ўнлаб хасталикларга шифо бахш этади. Аввалнинг булоқлари суви таркибида магний, кальций, алюминий минерал моддалари бўлиб, улар асаб, суяк бўғим тизими, ошқозон-ичак йўли касалликларида фойдали. Ҳудудда айна пайтда 24 та оилавий меҳмон уйлари ташкил этилган, туристик хизмат турлари йўлга қўйилган.

Шунингдек, тоғ ён бағрларида жойлашган Водил қишлоғида бир неча хушманзара дам олиш масканлари ва дардга дармон бўлувчи соғломлаштириш марказлари фаолияти йўл-

га қўйилгани ҳудудга келаётган сайёҳлар сонининг ортишига сабаб бўлмоқда. Туман марказидаги меҳмонхоналардан ташқари, 25 та оилавий меҳмон уйлари ва 2 та хостел меҳмонлар хизматида.

– Қизим камқонлик касаллиги билан хасталаниб қолган эди, – дейди Қирғизистон Республикасининг Баткен вилояти, Қадамжой туманида яшовчи Гулсунай Амирова. – Фарғонада даволанган юртдошларимиз тавсияси билан вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказига келдик. Ўзбек шифокорларидан миннатдорман. Қизим



дардига малҳам бўлишди.

Қардош республикалар фуқароларини жалб этадиган яна бир маскан — Учкўприк туманининг Лаванда боғидир. Бу ердаги лаванда гули ва ифоридан тайёрланган маҳсулотлар кўргазмаси, папайя, банан, годжи, киви, зайтун каби шифобахш ўсимликлардан иборат саломатлик хиёбони бўйлаб эко-саёҳат, мутахассислар кўриги ҳар қандай сайёҳни ўзига жалб қила олади.

– Шифохонамизга Тожикистон


ва Қирғизистон Республикаларидан беморлар келиб, даво муолажалари олиб туришади. Қўшниларимиз соғайиб кетган дамларни кўрганимизда қувончимиз икки ҳисса ортади, – дейди Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Фарғона филиали II-терапия бўлими мудир Дилором Ҳусайнова.

Ўз навбатида, ўзбекистонликларнинг ҳам шифобахш табиий-иқлимий омилларга бой бўлган Қирғизистон ва Тожикистон Республикаларидаги соғломлаштириш масканларида дам олиш ва даволанишга бўлган эҳтиёжи ортиб бормоқда.

Шифокор, олий тоифали пульмонолог Хайрулло Ражабовнинг таъкидлашича, ҳозирги пайтда аҳоли орасида учрайдиган нафас аъзолари касалликларининг асосий қисмини бронхит, астма, сурункали обструктив ўпка касаллиги ва пневмония ташкил қилади. Фарғона шаҳридан 40-50 км узоқликда, денгиз сатҳидан 5500 метр баландликда жойлашган Помир-Олой тоғлари ён бағрларида дам олиш мазкур касалликларни даволашда энг табиий малҳамдир.

Иқболжон АБДУЖАБОРОВ.
Муқимжон ҚОДИРОВ олган суратлар.

Фарғона вилоятидаги даволаш-профилактика муассасаларида 2023 йил 6 ой давомида 785 нафар хорижий фуқаролар даволанган



Қирғизистон Республикаси фуқаролари

Бошқа чет давлат фуқаролари

Жумладан, Республика ихтисослаштирилган дерматология венерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Фарғона филиалида

160 нафар


Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Фарғона филиалида

112 нафар

Фарғона вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида

78 нафар

Фарғона вилоятидаги хусусий шифохоналарда неча нафар чет эл фуқаролари даволанган



(2023 йил январь-июнь ҳолатига)

Хорижликлар қайси касалликлар билан мурожаат қилган?

ЭРДОҒАН: НАТО, БРИКС ВА ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР
ТАШКИЛОТИ ОБРЎСИ ОШМОҚДА

Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған Ғалаба байрами куни муносабати билан Анқарадаги Ҳарбий академияда чиқиш қиларкан, жумладан, бугунги геосиёсий шароитда халқаро бирлашмалар обрў-эътибори ошиб бораётганини таъкидлади.

– Халқаро сиёсатда турли-туман янги вазиятлар юзага келмоқда, ҳамкорликнинг ҳар хил вариантларини излаш мақсади устуворлик касб этмоқда, – деди давлат раҳбари. – НАТО, БРИКС, Туркий давлатлар ташкилоти сингари тузилмалар халқаро сиёсатнинг кўп томонлама ҳамкорлик майдонида тобора кучаймоқда. Аввалига панде-



мия, кейин Украинадаги зиддият туфайли чуқурлашаётган кескинлик жаҳон иқтисодиёти ва сиёсатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, ривожланаётган мамлакатлар 60-70 йил аввалги инфляция билан боғлиқ суръатга етиб олди. Хавфсизлик таҳдиди зўрайиб бораётган бир пайтда, муҳофаага эҳтиёж ҳам ошиб, ҳарбий харажат ўсмоқда.

Эрдоған қўшимча қилишича, “бир неча йил олдин бетарафликни қадрият билган қатор мамлакатлар бугун муҳофаа пактига қўшилишга мажбур бўлмоқда”.

ЎЗА.

Устоз санъаткор ижодига бир назар

БЕТАКРОР ОВОЗ СОҲИБИ

Халқимиз суйган, манзурнафас санъаткорлардан бири Назиржон Назаровдир. 1938 йилда Қўқонда таваллуд топган хушовоз санъаткор яратган қўшиқлар мана неча ўн йилларки, ҳамон ихлосмандлари томонидан севиб тинглаб келинади.

Назиржон Назаровнинг 1963 йилда Баёнийнинг "Булбул навоси", Ажиниёз Охуннинг "Бормисан", "Бўларми?" деб номланган шеърларига басталаган дилтортар ашулалари грампластинкалар ва магнит тасмаларига ёзиб олиниб, оммавий тарзда тарқатилган. 1964 йилда эса ўзи басталаган "Қиёлаб ўтди", "Дилнавоз", "Ўйғотмагил", "Лайлога қараб қўй", "Сендан вафо", "Баҳор айёмида", "Ой-жамол", "Лола", "Дерман", "Онажон", "Сўрмагин", "Моҳтоб", "Дилбар паришон", "Ўзбекистон", "Келгайми-келмагайми", "Донлигингни айтмай", "Эй тонги сабо", "Этма йироқ ўзингдан", "Ўйнаганда" каби ашулалари Ўзбекистон телевидениеси ва

радиоси орқали эфирга узатилиб, санъаткорга чинакам шўхрат келтирди.

Тожикистон халқ артистлари Жўрабек Муродов, Жўрабек Набиев, Қирғизистон халқ артисти Расулжон Урайимжонов каби шогирдлари Назиржон Назаров яратган ашулаларни ҳозирги кунга қадар севиб ижро этиб келишмоқда. Ўзбекистон халқ артисти Таваккал Қодиров, Ўзбекистон халқ ҳофизи Фахриддин Умаров ва Қобилжон Юсупов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тоштемир Шарипов устоз яратган ашулаларни мохирлик билан кўйлашган.

Назиржон Назаров 1964 йилда санъ-



аткорлар ўртасида ўтказилган республика кўрик-танловида олий соврин соҳиби бўлган. 1966 йилда Россия Федерациясининг Москва ва Космонавтлар шаҳарларида бўлиб ўтган Ўзбекистон маданияти ва санъати кунлари тadbирларида ўз концерт дастурлари билан иштирок этиб, ўзбек миллий санъатининг нуфузини оширди. Чехия ва Словакияда ўтказилган Ўзбекистон санъати кунлари декадасида ҳам томошабин-

лар эътиборини қозониб, совриндор бўлиб қайтди. 1974 йилда "Назиржон Назаров куйлайди" номли фильм-концерт суратга олинган. Ўзбекистон халқ артисти Мукаррама Турғунбоева хонанданинг "Қиёлаб ўтди", "Дилнавоз" ашулаларига рақс сахналаштирган.

1989 йилда уста санъаткор "Ўзбек шоирларининг қўшиқларида ғоявийлик ва маҳорат" мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, "Гулистон" журналинда унинг ижоди ҳақида қатор мақолалар чоп этилди. "Қиёлаб ўтди", "Киприкдаги ёш", "Биз танлаган одамлар", "Маърифат бўстони", "Орзулар гулдастаси", "Мавжли дарё", "Дилкаш инсон" каби шеърининг

тўпламлари ҳамда публицистик мақолаларидан иборат 10 га яқин китоблари нашр қилинган.

Назиржон Назаров ижро этган ашулалар Ўзбекистон телерадиокомпанияси фонотекасининг олтин фондидан жой олган.

Бу йил 85 баҳорни қаршилаган бетакроп овоз соҳиби Назиржон Назаровга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ижодий баркамоллик тилаб қоламиз.

Ўз мухбиримиз.

Қатағон қурбонлари хотираси

ШОКИР СУЛАЙМОН – МИЛЛАТПАРВАР ИНСОН ЭДИ

Йигирманчи, ўттинчи йиллар ўзбек адабиётини шоир, прозаик ва адабиётшунос адиб Шокир Сулаймон ижодисиз тасаввур қилиш қийин.

Адиб 1900 йил 24 февралда Қўқон шаҳрида боғбон-деҳқон оиласида дунёга келган. Бошланғич мактабни Қўқонда битириб, маълумотини ошириш учун Россия Федерациясининг Оренбург шаҳрига борди ва бу ерда икки йил таҳсил олади. Сўнгра она юртига қайтиб, бир қатор мактабларда ўқитувчилик қилади.

Ёш шоирнинг илк ижоди муаллимлик қилиб юрган пайтларига тўғри келади. Шу даврда унинг "Чандон", "Ғалаба марши", "Қул", "Қизлар бахти", "Доғли йўқотиш", "Учкун", "Куллари кўкларга" каби шеърлари газета ва журналларда чоп этилиб, ўқувчилар қалбидан жой олади. 1930-1935 йилларда "Янги сарой", "Давр ҳайқириғи", "Оқ негр", "Ўтларни эслаганда" сингари достонлари нашр қилинди.

Шокир Сулаймон бир қанча прозаик асарларнинг ҳам муаллифидир. У асосан 1930-йиллардан бошлаб прозада қалам тебратта бошлади. Ёзувчи ўз кўзи билан кўрган воқеалар асосида асарлар битди. "Профессор уйланди", "Қотил", "Душманлар", "Сирли ўчоқ" каби ҳикояларидаги образлар айнан ҳаётнинг мисоллар асосида ёзилгани боис, анча пишиқ-пухта, ишонарли чиққан.

Шунингдек, ҳикояларида ҳаққонийлик ва ҳақиқатни кўриш мумкин. Хадича ва Гулжамол ("Лолалар очил-



ганда"), Фотима ("Фотима Содико-ва"), Шафотой ("Шафотой"), Гулбодом ("Ўлим қудуғи") каби қаҳрамонлари адолат учун курашади, бу йўлда жонларини фидо қилади.

Журналист сифатидаги фаолияти давомида Шокир Сулаймон "Маориф ва ўқитувчи", "Ер юзи" журналларида масъул котиб, адабий муҳаррир бўлиб ишлайди. Сўнгра Ўзбекистон давлат илмий текшириш институти ва Ўзбекистон давлат унверситетида меҳнат фаолиятини давом эттиради. У қаерда ишламасин, ижоддан сира тўхтамади.

1930 йилда "Ғалаба марши", "Яма ва Хама", "Икки йўл", 1934 йилда "Бизда, ҳам уларда", "Фориуза отаси", "Гул асал", 1935 йилда "Ўтганларни эслаганда", "Шаҳар кўчаларида",

1938 йилда "Сургун сайфи", 1940 йилда "Қаҳрамонлар ҳикояси" каби 40 га яқин шеър ва ҳикоялар тўплами нашрдан чиқади.

Афсуски, қатағон шамоли Шокир Сулаймонни ҳам четлаб ўтмади. 1941 йил 26 август куни у халқ душмани сифатида қамоққа олинади. Бир йилдан ортиқ вақт мобайнида тергов қилинади, "айби"га иқро қилдириш учун мисли кўрилмаган қийноқларга солинади. Лекин тергов гуруҳи сохта маълумотлар ёзилган бирорта қоғозга имзо чектира олмайди.

1942 йилнинг 8 августида Шокир Сулаймон ўзи каби тўхматлар билан қамоққа олинган С.Хўсайин, шоир ва журналист Ю.Латиф, географик олим Шариф Обидов билан бирга отиб ташланади.

Қатағон қурбони бўлган Шокир Сулаймон, аввало, мохир педагог, зиёли инсон эди. Шунинг учун ҳам унинг ижодида педагогик асарлар, ўқув-услубий қўлланмалар ва дарсликлар муҳим ўрин тутди. 1929 йилда биринчи босқич мактаблари учун "Ёш куч" адабий қироат рисоласи ҳамда чаласавод мактаблари учун "Озод меҳнат" номли китобини нашр эттиради.

Миллатпарвар инсон Шокир Сулаймон 1956 йил 27 сентябрда Ўзбекистон ССР Олий суди томонидан оқланган.

Нигора ТўРАҚУЛОВА,
"Қўқон" давлат музей-қўриқхонаси филиали – Ғафур Ғуллом номидаги адабиёт музейи илмий ходими.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҚУЙИДАГИ ВАКАНТ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кафедра профессори лавозимига:
Математика кафедраси.
География ва иқтисодий билим асослари кафедраси.

Кафедра мудири лавозимига:
Педагогика кафедраси.

Кафедра доценти лавозимига:
Кимё кафедраси.

Мактаб менежменти кафедраси.
Биология кафедраси.

Спорт ва ҳаракатли ўйинлар кафедраси.
Бошланғич таълим кафедраси.

Тарих кафедраси.

Факультетлараро педагогика-психология кафедраси.

Ўзбек адабиёти кафедраси.

Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси кафедраси.

Кафедра катта ўқитувчиси лавозимига:

1. Инглиз тили ва адабиёти кафедраси.
2. Ўзбек адабиёти кафедраси.

3. Математика кафедраси.

4. Махсус педагогика кафедраси.

5. Мусиқа таълими кафедраси.

6. Физика ва астрономия кафедраси.

Кафедра ўқитувчиси лавозимига:

1. Бошланғич таълим кафедраси.

2. Инглиз тили ва адабиёти кафедраси.

3. Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси кафедраси.

4. Факультетлараро тиллар кафедраси.

Кафедра стажёр ўқитувчи лавозимига:

1. Рус тили кафедраси.

Танловга ҳужжатларни қабул қилиш мuddати эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой.

Мурожаат учун манзилгоҳимиз: Қўқон шаҳри, Турон кўчаси, 23-уй. Ректорат биноси, 6-хона.

Кенгаш котиби: Х. Раҳмонов. Телефон: 91 684-49-73.

Маърифат, маънавият сабоқлари

Шайх Абдулазиз МАНСУР:

“ҚУРЪОННИ ҚЎРҚИБ,
ПИЧИРЛАБ, ЙИҒЛАБ ЎҚИБ,
ЁДЛАГАНМАН”

Соғиниб-соғиниб Фарғонага келамиз, ота маконим, она қишлоғим Миндонга. У ерда яшаётган олтин Ватаннинг олтин одамларига юракларим эзилиб туради. Деҳқон оиласидан чиққанмиз. Аввало, отамни эласам, бир умр далада меҳнат қилиб ўтганлар. Онажоним, меҳрибоним озгина саводли эдилар.

Баъзан жиддий ўйланиб қоласан, ота-онам бизларни қўл меҳнати билан, ҳалол лўқма билан боққанлари учун ҳам дину диёнатга ихлосимиз юқори бўлганмикан, деб қоламан. Шукурки, ҳаётимизни диний таълимотга бағишладик, гарчи у даврлар дахрийлик замони эди...

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Бир кун мактабдан уйга йиғлаб келганман. 4-синфда ўқир эдим. Онам раҳматли, тандирда нон ёпаётган эканлар. “Ҳа, ўғлим, ким билан уришдинг, ким сени хафа қилди”, деб сўрадилар. Йўқ, ҳеч ким билан уришмадим, аммо бугун ўқитувчимиз дарсда 4-5 марта “Худо йўқ”, деб айтди. “Эй болалар, ота-оналаринг жаннат бор, дўзах бор, дейишса ишонманлар”, деб гапирди. Ростки, мен синфда чидаб ўтира олмадим. Шунинг учун йиғлаб келдим десам, онажоним бошимни бағирларига босиб, нима дедилар деми:

– Эй ўғлим, қанақанги даврда туғилиб қолдиларинг-а, илгариги замонда, айтилиб, 50-100 йил олдин туғилганларингга, ҳозир мадрасаларда саллани ўраб, тиловати Қуръон қилиб ўтирган бўлардиларинг!

Яна йиғладим... Нега ўша пайтларда туғилмадим деб.

Шунақа даврларни кўриб, билиб улғайганмиз. Ёши улуғлар буларни билишди. Ҳозирги мустақиллик даврида туғилиб яшаётганлар буларни тўлиқ билишмайди, бундай шароит ва имкониятлар қандай яратилганини, давлат ва ҳукуратимиз раҳбарияти халқимизнинг порлоқ келажаги учун қанчалик қайғуриб келаётганини айрим кимсалар хаёлларидан ўтказишмайди, юракдан ҳис қилишмайди. Неъматнинг қадрини билиш учун тарихга, мозийга ҳам бир назар солиб туриш керак.

Ота-оналаримиз, бизларга мактабда таълим берган ўқитувчиларимизнинг кўпчилиги, олим, уламоларимиз бир умр Каъба-туллоҳни зиёрат қилишни орзу қилиб ўтиб кетишди. Биз эса тақдир тақозоси билан беш-ўн марта ҳаж, умра ибодатини қилиб келяпмиз. Ҳар борганимда ўша муқад-

дас жойларда устозларимнинг ҳақларига дуо қиламан.

Эсимда, ҳаж амалларига оид китобни ўқиётганимда, олтиариқлик устозим, жойлари жаннатда бўлсин, Матқосим қори домламит “Мухтасарул-Викоя”дан олдинги дарсни ёддан ўқиб бермагунимча янги дарс ўтмасдилар. “Китоби ҳаж”га келганда, “Қори ака, ҳозир ҳаж йўқ-ку, бу жойларини ёдлаб ўқиб бермасам ҳам бўлаверадими?” дедим. Шунда устозимиз:

– Эй ўғлим, ҳали ёшсизлар, билмай-сизлар, замони келиб, йўллар очилиб, келажақда ҳаж-умра ибодати ҳам йўлга тушиб қолар, ўқиб, ёдлаб қўйверинг, – деб юрагимизга илиқлик солганди.

Мана, Аллоҳнинг марҳамати билан йўллар очилиб, кўп марта ҳаж, умра амалларини адо этишга мушарраф бўлдик. Ўша ҳаж китобидан ўқиган жойларимни қайтадан ўқидим. Шарҳлари билан танишиб чиқдим. Чунки ҳожилар сафар асносида ҳамма саволларини асосан менга беришади.

Алҳамдуллилох, шундай кунларга ҳам етиб келдик. Бунинг шукронасини қилайлик. Бундай диний гапларни бемалол гапирадиган вақт эмас эди, биз ўқиган вақтлар.

Мана, аста-секин истиқлолга, мустақилликка эришдик. Баъзилар мустақилликни яхши тушунмайди. Унинг қадрини, улўф неъмат эканлигини бизга ўхшаган, олдинги кийин шароитларни кўрганлар жуда яхши биладилар. Болалигимизда диний сабоқларни яширинча ўқир эдик. Қуръонни, муқаддас китобни кўрқиб, пичирлаб, йиғлаб ўқиганман, ёд олганман. Тошкентга келганимда, Рамазон ойида таровеҳ намози кунлари ҳатмда қийналганман, зўрға бир порага ўтганман.

1980 йил эди. Зиёвуддин қори аканинг вафотларидан икки йил аввал у киши билан суҳбатлашиб туриб, “Қори ака, Қуръонни ўзбек тилига таржима қилсак бўлмайдими, халқимиз шунга жуда ташна”, дедим. У киши ҳаяжонланиб, “Ҳай-ҳай, бу гапни манга айтдингиз, бошқа гапирманг, тилингизни узиб олишади-я, бошқа гапирманг”, дедилар. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий бўлсалар ҳам Қуръонни таржима қилишдан кўрқдилар ўша даврда.

Мана шундай форигбол замонларга ҳам етиб келдик. Шукур қилайлик.

Яна бир гап. Камина ҳар йили бир марта ислом оламида етук, дунёга танилган

улўф уламолар қаторида хорижий мамлакатларда ўтадиган халқаро анжуманларда иштирок этаман. Араб тилида маърузалар ўқийман, баҳс-мунозараларда қатнашаман. Халқаро ислом ташкилотларидан иккитасига аъзоман.

Ёшлимдан китоб ўқишга иштиёқим баланд бўлган. Ўқимаган қайси диний китоб қолди экан, деб қидириб қоламан баъзида. Олдинлари хоҳлаганингизча диний асарларни топиб ўқиш қийин эди. Эндиликда эса, интернетга кириб, хоҳлаган китоб номини ёзиб қидирсангиз, дарҳол чиқиб келади. Бу ҳам бўлса Аллоҳнинг бизга ато этган улўф неъматларидан деб билишимиз керак.

Марҳум муфтий Зиёвуддин қори ака билан бирга иш бошлаганимдан бир йил ўтиб, менинг мутолаа саводимнинг яхшилигини билиб, “Абдулазиз, мана шу диний идорамизда 30 мингга яқин босма китоблар, 3 мингга яқин кўлёмза бор. Неча марта рўйхат қилиб беришди, хатто китобларнинг номини ҳам хато ёзишади, ўзингиз бир тартибли қилиб, рўйхат қилиб беринг”, дедилар.

Ўша йилги таътил пайтида барча босма китоб ва кўлёмзаларни тартиблаб, рўйхатлаб чиқдим, 5 том бўлди. Ҳузурларига кириб топширган эдим, шунангиз хурсанд бўлдиларки, уни таъбирлаш қийин.

Алҳамдуллилох, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Ислом цивилизацияси маркази қуриляпти. Яқин келажақда бу ишо фойдаланишга топширилади. Ҳозир шу ерда етакчи илмий ходим лавозимда ишляяпман.

Шу марказга бутун аждодларимизнинг бизгача етиб келган диний китоблари тўпланяпти. Нима учун? Афсуски, аждодларимизнинг кўп китоблари чет элларга чиқиб кетган экан, одамларнинг уйларида, сандикларида, чордоқларида сақланиб қолганлари ҳам бор. Уларнинг баъзилари сувда қолган, эгилиб-букилиб, қорайиб кетган, моғор босган, шундай бўлса ҳам биз уларни йиғяпмиз, аввалги ҳолига қайтариб бўлмасан-да, имкон қадар тикляяпмиз, улардан фойдаланяпмиз. Ёшу катталарнинг хабари бор, 1930-1940 ва ундан кейинги йилларда кимнинг уйдан араб тили ёки ёзувдаги диний китоб чиқса, тергов қилинган, қамалган, хатто отиб ташланган. Халқимизга тан бериш керак, барибир мўътабар китобларни қандай қилиб бўлмасин, сақлаб қўйишган экан. Ёқворсам увол бўлади, сувга оқизсам, гуноҳ бўлади, деб ўйлашганда.

Президентимиз қайғуриб айтяптиларки, улўф алломоларимиз, мутафаккир аждодларимизнинг китобларини ўрганиш 80 йил тўхтаб қолди. Энди ўшаларни нафақат она тилимизга, бугунги ёзувимизга ўғришимиз, балки дунё тилларига таржима қилиш керак. Жаҳон халқлари билиб қўйсин, бизнинг юртимиз қандай алломолар ватани эканлигини!

Мустақиллик шарофати билан кўп нарсага, жумладан, виждон эркинлигига эришдик, барча соҳаларда янгилашлар, ислохотлар юз беряпти. Агар ниятларимиз амалга ошса, бошлаган ишларимиз охирига етиб қолса, яна ўша Имом Бухорий, Имом Термизий, Мотури-



дий, Бурҳониддин Марғиноний – ҳаммасининг китоблари дунёни эгаллайди. Кўпчилик биланди, ислом ҳуқуқшунослигига доир “Ал-Ҳидоя” асарини Бурҳониддин Марғиноний ёзганлар. Бу китоб бутун ислом оламида ўқитилади. Ҳар бир масала оятдан, ҳадисдан ва қиёсу далиллар билан келтирилади. Қаранг, шундай китоб бизнинг бобомиз мероси!

Ҳадис тўпламларининг энг мукамалларидан бири “Саҳиҳи Бухорий” бўлиб, уни бутун дунё тан олган бўлса, иккинчи Имом Термизий бобомиз ҳадислари туради. Минг шукур қилсак арзийдики, бундай асарлар бизнинг ватандошларимизга тегишли!

Бугунги даврни қаранг, мустақиллар туфайли жойларда жоме мажидлар очик, беш маҳал азон қақирляпти, эмин-эркин ибодат қилиш учун шароитлар, қулайликлар яратилган. Булар сизу бизга Яратганнинг инъоми. Мен ҳозиргача етти муфтий билан ишладим. Уларга ёрдамчи бўлдим. Миндон қишлоғининг бир масканидан чиқиб, марказда улўф зотларнинг хизматида бўлиб юрганимга шукур қиламан. Ислом дини равнақи учун умрини бахшида этган улўф зотларни кўрдим.

Баъзида юрагим ўртанади, олдинги даврларда не-не кунларни бошидан ўтказган уламоларни эслаб. Улар ҳаж-умра зиёратларига боришолмади. Шундай мустақил кунларга етиб келишолмади. Мақдосим қори домла, риштонлик Мухаммадхон Маҳдум почча, Бешкапада умргузаронлик қилган Асқар домла армонда ўтиб кетишди, бир умр ҳажу умрани кутиб. Ҳақимжон қори домламит-ку ҳажга бориб келдилар. Ушаларни кўп эсламан. Улар бизга диний илм беришган, дуо қилган, Аллох таоло охира-ларини обод қилган бўлсин.

Шукурки, аҳли илмлар қаторига кириб, иззат-икром топишимизда, давралар тўрисида ўтиришимизда ўша устозларимнинг катта меҳнатлари бор. Собик иттифоқ даврида муқаддас китобларни қариндошларининг эски уйларида ёки молхоналарига берки-тиб сақлашган. Баъзида китобнинг номини ёзиб беришар эди, “Абдулазиз, қариндошим Абдуқодирнинг молхонасидан шу китобни топиб олиб келгин” деб. Чанг босган, йиртилган китобларни кўзимга суртиб йиғлаганман. Бундай китоблар тилло жавонларда туриши керак эди-ку!

Бир йил Бухородаги “Мир Араб” мадрасасида, уч йил Тошкентдаги Ислом маъҳадида дарс бердим. Тўрт йилдан сўнг устоз Зиёвуддин қори ака қўлларидан диплом олдим. Эртасига устоз ҳузурига кириб, менга рухсат беришини, Фарғонага, қишлоғимга қайтишимни айтдим. У киши розилик бермадилар. Шу ерда ишлаб қолишимни сўрадилар. “Сиздек илм билан умр ўтказадиган ёшлар бизга керак” дедилар. Шу-шу, мана яқин 50 йил бўляптики, Тошкентдаимиз.

Сўхбатни Собир ДАДАХЎЖАЕВ ёзиб олди.



МУАССИС:
«Farg'ona haqiqati» va
«Ferganskaya pravda»
gazetalari tahririyati

Бош мухаррир:
Рустам ОРИПОВ.

2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Газета “Полиграф-пресс” МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-3 формат (8 саҳифа)да 1943 нусхада чоп этилди.
Буюртма № 558. Босмахона манзили: Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236-«б» уй.

Бизнинг манзил:
150114, Фарғона шаҳар, Сохибкирон Темур кўчаси, 28-уй.

Бош мухаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70.
Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.

Саҳифаловчи: Раҳматжон Юнусов.
Босишга топшириш вақти: 18.00.
Топширилди: 17.00.

